



2016 у.г. « 18 » январь

№ 16-Қ

Самарқанд ш., – г. Самарқанд

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил
8 апрелдаги 102-сонли “Давлат мулкани ижарага бериш
тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги
қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Давлат Мулкани ижарага беришни янада тартибга солиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 23 декабрдаги 107-сонли, Молия вазирлигининг 2015 йил 23 декабрдаги БЮ/08-03-32-13/218-сонли ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 17 ноябрдаги 406/01-14-сонли келишув хатлари ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 25 декабрдаги 3336-03/18-сонли хати ҳамда вилоят Адлия бошқармасининг 2016 йил 15 январдаги 05-17/161/6-сонли хулосасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2016 йил учун Давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги ставкалари 1-иловага мувофиқ;

бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва ҳисоблаб чиқиш учун қўлланадиган коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорларига мувофиқ “Самарқанд вилояти давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасининг транзит ҳисоб рақамига тушадиган ижара тўлови маблағларининг 50 фоизи маҳаллий бюджет

даромадига, 40 фоизи давлат мулкни балансда сакловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ҳамда 10 фоизи “Самарқанд вилояти давлат мулкни ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси ихтиёрига йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. “Самарқанд вилояти давлат мулкни ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов) бир ой муддатда давлат мулкни ижарага бериш юзасидан давлат мулкни балансда сакловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан илгари тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва шартномаларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорига асосан давлат мулкни ижара шартномасини тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижасида ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, фойдаланганлик даври учун ижара тўловини икки баравари миқдорида балансда сакловчидан ундирилади ва қўйидагича тақсимланади, 50 фоиз маҳаллий бюджетга, 50 фоизи марказнинг ихтиёрида қолади.

Балансида сакловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни “Самарқанд вилояти давлат мулкни ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2014 йил 30 декабрдаги 275-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

З.Мирзаев



Самарқанд вилоят ҳокимининг
 2016 йил " 18 " январдаги
 № 10-К _____ сонли қарорига
 1-илова

2016 йил учун Давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик
 учун тўланадиган ижара ҳақининг энг кам
 миқдордаги ставкалари
 (бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв. м учун)

Т/р	Тармоқ коди	Ижарачиларнинг фаолият тури	1 кв.м учун йиллик энг кам ставка (сўм) 2016 йил учун
		Саноат	
1	11 200	Иссиклик манбаи	3500
2	13 100	Кимё саноати	3500
3	13 300	Нефт-кимё саноати	3500
4	14 100	Машинасозлик (Асбобсозликсиз)	3500
5	14 200	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	3500
6	14 300	Асбобсозлик	3500
7	14 400	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	2800
8	14 500	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	2800
9	14 600	Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший приборлар ишлаб чиқариш	2800
10	14710	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	3500
11	14 800	Металл конструкция ва буюмлар саноати	3500
12	14 900	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	3500
13	14 780	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	3500
		Урмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	
14	15 100	Ёғочни тайёрлаш саноати	3500
15	15 200	Ёғочни қайта ишлаш саноати	3500
16	15 300	Целлюлоза-қоғоз саноати	3500
17	16 100	Қурилиш материаллари саноати	3500
		Енгил саноат	
18	17 100	Тўқимачилик саноати	3500
19	17 200	Тикувчилик саноати	3500
20	17 300	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	3500
21	17900	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	3500

Озиқ-овқат саноати			
22	18100	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	3500
23	18200	Гўшт ва сут саноати	3500
24	18300	Балиқчилик саноати	3500
25	19210	Ун, ёғ ишлаб чиқариш саноати	3500
26	19220	Комбикорм (аралаш озука) ишлаб чиқариш	2800
27	19700	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	3500
Саноатнинг бошқа соҳалари			
28	19300	Табобат саноати	3500
29	19400	Нашриёт саноати	9900
30	19740	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш	4200
31	19900	Саноат хужалигини бошқариш	9900
Қишлоқ хўжалиги			
32	21 100	Ўсимликчилик (иссиқхона) 1 га	1 411 200
33	21 200	Чорвачилик	1700
34	21 300	Балиқчилик (в.т.ч питомники) 1га	1 411 200
35	22 200	Ветеринария хизмати	3500
36	22 300	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва корхоналар	3500
37	30 000	Ўрмон хўжалиги (боғлар) 1га	1 411 200
Автотранспорт ва алоқа			
38	51 111	Темир йўл транспорти жамoa фойдаланиши	3500
39	51121	Автомобил хўжалиги (автожамланма, таксопарк, автостоянка, гараж ва автомоёка)	3500
40	51 121	Транспорт воситаларини сақлаш (штраф майдони)	900
41	51 520	Аҳолининг юкларига тараспорт хизмати кўрсатиш ва бошқа транспорт хизматлари	6400
42	52100	Почта алоқаси	3500
43	52200	Курьер (чопар) хизмати	7000
44	52300	Электро кабел алоқаси	7000
45	52300	Электр ва радио, сотовой алоқаси переметирига тортилган сим ва асбоб ускуналари учун	29600
Қурилиш			
46	60 000	Қурилиш	3500
47	66 000	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ва қидирув ташкилотлари	3500

Савдо ва умумий овқатланиш			
48	71100	Улгуржи савдо	9900
49	71 130	Улгуржи бозорлар сотиш ва хизмат кўрсатиш	25400
50	71 200	Чакана савдо	9900
51	71 200	Умумовқатланиш	9900
52	71 300	Китоб савдо	1400
53	71 400	Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш	9860
54	71 500	Халк истеъмоли молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати	15500
55	80 000	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	9900
56	82 000	Ахборот-хисоблаш хизмати	9900
57	82 100	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	9900
58	83 000	Кўчмас мулк операцияси	9900
59	84 300	Реклама, ваколатлик хизмати	9900
60	84 400	Аудиторлик фаолияти	9900
61	84 500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати	9900
62	85 000	Геология қидирув геологический ва гидрометрология хизмати	17600
63	87 100	Тахририят ва нашриёт	5600
64	87 300	Металл чиқиндилари ва чиқинди хом-ашёларини йиғувчи тайёрлов идоралари	5600
65	90 100	Тураржой хўжалиги (ТСЖ)	5600
66	90 220	Меҳмонхона хўжалиги	11300
67	90 300	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	5600
68	90 300	Парикмахер, фотосалон, ателье пойфазал таъмирлаш	8500
69	90 300	Ломбарт	12700
70	90 300	Ҳаммом	17000
71	90 300	Сауна ва бассейн	33900
Соғлиқни сақлаш.			
72	91 510	Даволаш-профилактика муассасалари	7000
73	91 600	Дам олиш ва сайёҳлик (туризм)	7000
74	91 611	Дам олиш ва ўйин-кулгу тадбирларини ташкил этиш фаолияти (бильярд ўйини автоматлари, диско клублар ва бошқалар)	11300
75	91 700	Жисмоний тарбия ва спорт	3500
76	71 212	Дорихона муассасалари оптика, савдо дукони	5600

		медицина асосо ускуналарини сотиш		
		Халқ тўлими.		
77	92 100	Оғий ва ўрта ишчиларни ва бошқа ходимларни таъбирлаш ва малакасини ошириш (ўнгиш курслари)	5600	
78	92 200	Кадрларни таъбирлаш ва бошқа ишчи ходимларни малакасини ошириш	4900	
79	92 310	Нодавлат муассасаси мактабгача тарбия	2800	
80	71 300	Умумий оқатланнишни ташкил этиш уку муассасалари учун	3500	
81	92400	Мактабгача тарбия (нодавлат муассасаси)	2800	
82	93000	Маданият ва сағйат	9900	
83	93132	Кўргасмалар	8500	
84		Мактабдан ташқари таълим (репетиторлик,тугарак ва ж.к)	2800	
85	93160	Парк ва дам олиш жойлари	7000	
86	93170	Ботаника боғи ва зоопарклар	7000	
87	93 180	Редакция телевидения ва радио узатиш	7000	
88	93 620	Киностудия, овоз ёшиш студиялари	11300	
89	95 000	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	4200	
		Молия-кредит фаолияти		
90	96 000	Молия, кредит, сугурта, нафақа таъминоти	9900	
91	96100	Банк фаолияти	9900	
		Бошқа фаолият турлари		
92	96 200	Сугурта	9900	
93	97 800	Суд ва юридик ташкилотлар	8500	
94	97 820	Адвокатлар хайъати ва юридик маслахати	8500	
95	98 000	Жамоа бирлашмаси	2800	
96	80 200	Ўмборхона	9900	
97		Давлат ташкилотларига идора мақсадида	4200	
98		Тижорат ташкилотларига идора мақсадида	15500	
99		Ёқилги куйиш шахобчалари	11300	
100		Ёнгил ва бошқа автомашиналарга хизмат кўрсатиш шу жумладан (вулканизация)	11300	
101		Геология ва кидирув лабораториялари	7000	
102		Бошқа хизматлар (пайнет)	28300	
103		Тарихий обидалар объектларида жойлашган савдо дўконлари	15500	
104		Тарихий обидалар объектларида жойлашган умумий	13500	

105	оқатланниш жойлари	
106	Авиа касса (темир йул транспорт) ва бошқалар)	15500
107	Банкоматлар (инфо киоск)	141300
	Нон ва буюлча махсулотлари таъбирлаш	9900

Илоҳ: *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сонли баёнига асосан ҚВП (хашлоқ врачлик пунктлари) Худудда ташкил этилган дорихоналар ва уларнинг филиаллари мулкчилик шаклидан қатъий назар ижара мақсадида фойдаланганлиги учун энг кам ижара ставкасининг нол кийматида қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топиригига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги савдо бошқармалари томонидан ёрик харбий шахарчалар, харбий киеслар ва муассасалардаги давлат нотугура-жой бинолардан ижара мақсадида фойдаланганлиги учун энг кам ижара ставкасининг нол кийматида қўлланилади.

***Алохида кишлоқ ва тогли худудлардаги нотугура-жой биноларидан ижара мақсадида фойдаланганлиги учун энг кам ижара ставкаси 25 фонд хисобидан қаймайтирилади. Бунинг учун алохида кишлоқ ва тогли худудлар рўяхати Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят хокимларининг қарорлари асосида аниқлаиб, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан аниқланган коэффициентларга мувофиқ келиштириб, нотугура-жой бинолардан ижара мақсадида фойдаланганлиги учун энг кам ижара ставкаси тасдиқланади.

Самарқанд вилоят ҳокимининг
2016 йил "18" январдаги
№ 10-Қ сонли қарорига
2-илова

Бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва ҳисоблаб чиқиш учун қўлланадиган коэффицентлар

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш қўйидаги тарзда аниқланади:

$$Tc = Эc * Kз * (Kк + Kх + Kо)$$

бунда:

Tc - бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

Эс - бир йилга бир кв. метр учун энг кам ставка;

Kз - ҳудудий зона коэффиценти;

Kк - қурилиш тури бўйича коэффицент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болохона, ярим ертўла, ертўла);

Kх - туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффиценти;

Kо - тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффиценти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашиш ва бошқалар).

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўлови ставкаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тақдим этган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкалари ҳисоб-китоби асосида тегишлича ушбу қарорнинг 1-илоvasида кўрсатиб ўтилган энг кам ставкалардан кам бўлиши мумкин эмас.

Мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкаси:

агар ижарага топшириладиган мулкдан амалда фойдаланиш муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатга тенг бўлса, ёки амалда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаса мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан;

агар ижарага топшириладиган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

самарали фойдаланиш муддати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида кўрсатилган таснифлашдан келиб чиқиб белгиланади.

Бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқишда қўлланадиган ҳудуд зоналари бўйича коэффицентлар.

Ҳудудий зоналар коэффиценти (Kз):

-Самарқанд шаҳри - биринчи гуруҳдаги шаҳар учун 1 дан 3 гача;

-Самарқанд шаҳрининг биринчи гуруҳига киритилмаган Фарход, Кимёгарлар ва Хишрав шаҳчаларидан ташқари қисми, Каттақўрғон, Ургут ва Оқтош шаҳарлари - иккинчи гуруҳдаги шаҳарлар учун 2 дан 2,5 гача;

-вилоят туман марказлари - учинчи гуруҳдаги шаҳарлар учун 1,5 дан 2 гача;

-туман кишлоклари учун 1,5 гача оширувчи коэффициентлар қўлланилади (вилоят худуди зоналари рўйхати илова қилинади);

Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициент - (Кк):

алоҳида турган бино - 1,5

бинога тақаб қурилган -1,4

бинонинг устки қисми, чердак, мансарда - 0,9

ярим ертўла, ертўла - 0,7

Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти — (Кх):

- ер майдони мавжуд бўлганда - 0,8

Тижорат максадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти - (Қо):

(асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларида чиқишда жойлашиш ва бошқалар)

-асосий қатнов йўлларида жойлашгани - 0,6

-иккинчи даражали транспорт қатнови йўлларида чиқиш жойи - 0,5

Зона коэффициентлари - Кз:

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Зоналар	Ҳудудий зоналар коэффициентлари
Шаҳарлар			
1	Самарқанд шаҳри	1	2 -3
2	Каттақўрғон шаҳри	2	2 -2,5
3	Ургут шаҳри	2	2 -2,5
4	Оқтош шаҳри	2	2 -2,5
Туман марказлари			
5	Фарход, Кимёгарлар ва Хишрав шаҳарчалари	3	1,5 -2
6	Жума	3	1,5 -2
7	Челак	3	1,5 -2
8	Нуробод	3	1,5 -2
9	Лойиш	3	1,5 -2
10	Иштихон	3	1,5 -2
11	Жомбой	3	1,5 -2
12	Булунгур	3	1,5 -2
13	Зиёвуддин	3	1,5 -2
14	Тайлоқ ва Гулобод шаҳарчалари	3	1,5 -2
Туманлар кишлоклар			
15	Булунгур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Оқдарё, Пайарик, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Нуробод, Ургут, Тайлоқ ва Қушработ туманлари	4	1,5